

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

543 Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейини ташкил этиш тўғрисида

Ёшларнинг пуфлама ва зарбали чолғу асбобларига бўлган қизиқишларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг кейинчалик махсус касб таълими олишини таъминлаш, юқори малакали ижрочилар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат мактаб-интернати негизида Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейида:

музыка таълими ва ўқув жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида, мавжуд умумий ўрта таълим синфлари сақланиб қолади;

ўқитиш умумий ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларининг ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилади;

ўқувчилар умумтаълим бўғинининг 5-синфига умумтаълим мактабининг 4-синфини битирган ўқувчилар орасидан ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг 1-босқичига — Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейининг 9-синфи битирувчилари орасидан белгиланган тартибда, танлов асосида, иловага мувофиқ квоталар бўйича қабул қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейи педагог кадрларининг пуфлама ва зарбали чолғу асбоблари ҳамда тасвирий санъат йўналишлари бўйича малака ошириши тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

бир ой муддатда Республика ихтисослаштирилган музыка ва санъат академик лицейининг устави тасдиқланишини ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси Республика ихтисослаштирилган музика ва санъат академик лицейига сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда тизимли асосда методик ёрдам кўрсатиб борсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Республика ихтисослаштирилган музика ва санъат мактаб-интернатига ажратилган маблағлар ва амалдаги ходимлар сони доирасида Республика ихтисослаштирилган музика ва санъат академик лицейининг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 16 декабрь,
335-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 16 декабрдаги 335-сон қарорига
ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган музика ва санъат
академик лицейига ўқувчилар қабул қилиш
КВОТАСИ**

Т/р	Таълим йўналишлари номи	Синфлар (гурӯҳлар) сони	Ўқувчилар сони
	Йилига жами қабул квотаси:	6	200
	шу жумладан:		
1.	5-синфга қабул квотаси — жами:	5	170
	шу жумладан йўналишлар бўйича:		
1.1.	пуфлама ва зарбали чолғу асбоблари	2	68
1.2.	тасвирий санъат	1	34
1.3.	амалий санъат	1	34
1.4.	она тили ва адабиёт (нотиқлик санъати)	1	34
2.	Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг 1-босқичига (пуфлама ва зарбали чолғу асбоблари) қабул квотаси	1	30